

Ахлоқ тарбияси ва унинг асосий омиллари

А.Аманлаев

Оила муҳити бола дунёқарашини шакллантириш ҳамда ахлоқ меъёрларини қарор топтиришда муҳим аҳамият касб этиши ҳеч кимга сир эмас. Шу боис мустақилликнинг дастлабки йилларидан мамлакатимизда оилада ахлоқий тарбияга алоҳида эътибор қаратилди. Бу масала давлат сиёсатига кўтарилди, қатор қарор ва қонунлар қабул қилинди.

Зеро, ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялашда оилада ахлоқ ва одобнинг дастлабки куртаклари илдиз отади. Президент И.Каримов “Оила ҳаётининг обадиёлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, келажак насллар қандай бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғидир”¹ деганда ҳам ана шуни назарда тутди.

Гап ахлоқ тарбияси ҳақида кетар экан, бир нарсани англаб олиш лозим. Ахлоқ одамнинг жамиятга, меҳнатга, кишиларга, хусусий ва ижтимоий мулкга, оила ва жамиятга нисбатан тарихан вужудга келган халқ нормалари ва қоидалари мажмуасидан иборат. Айтиш мумкин-ки, ахлоқли юриш-туриш одатлари шундай бир заминки, бусиз маънавий фазилатлар ва муносабатларни шакллантириб бўлмайди.

Аллома А. Авлоний ахлоқ тарбияси ҳақида шундай ёзади. “Инсонларга энг муҳим зиёда шараф баланд даража берувчи ахлоқ тарбиясидир”.²

Одатда ахлоқ тарбияси деганда жамият ва инсонлар учун ибрат бўладиган жами ижобий ҳатти-ҳаракатлар йиғиндиси тушунилади.

Ахлоқий тарбия – болалар тарбиясининг энг муҳими ҳисобланади. Бола шахсияти ҳаётнинг биринчи йилларидан бошлабоқ шаклланиб боради. Бола ҳар куни кўриб, эшитиб юрган нарсаларга қараб ўз атрофидагиларга нисбатан тегишли муносабатда бўлади. Катталарнинг юриш туриши, қиладиган ҳатти-ҳаракатлари, болага ва атрофдаги одамларга қандай қараши – мана шуларнинг ҳаммаси боланинг маънавий қиёфаси шаклланиб боришига катта таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам болаларга гўдаклик вақтидан бошлабоқ ахлоқ тарбияни бериб бориш зарур. Бу тарбия болалардан ахлоқ сезгиларини, яхши муомалада бўлиш ва ахлоқли юриш-туриш одатларини тарбиялаш, инсоннинг маънавий фазилатлари каби тасаввурларни шакллантиришдан иборат.

Болаларни ахлоқ-одобли қилиб тарбиялаш узоқ муддатли, машаққатли жараён бўлиб, бу жараёнда боланинг ҳуқ-атвори, одоб ахлоқи шаклланиб бориши ҳеч кимга сир эмас. Болаларда ахлоқ, ҳуқ-атвор ва ҳатти-ҳаракатни тарбиялашда уларда сўз ва иш бирлигини таъмин этиш катта аҳамиятга эга. Дарҳақиқат, “Боланинг одобли, ахлоқли ва меҳнатсевар бўлиб ўсишлари учун ҳар бир оиладаги шароит, оила бошлиқларининг намуна бўлишлари хал қилувчи аҳамиятга эгадир. Уларнинг яхши одатлари, муомила маданият, сўзи

¹ И.А.Каримов “Оила фаровонлиги – миллат фаровонлиги” “Маърифат” газетаси. 1997 йил 10 декабрь.

² Ватан ва миллат муқаддасдир. (тўплам) Т.: Ўқитувчи, 1996, 44 бет

билан иши бирлиги фарзандлар учун ибратдир”¹. Бунга кўпчилик ота-оналар амал қилишмайди. Мисол учун: Фарзандига ичма, чекма, ёлгон сўзлама кабиларни насихат қилади-ю, аммо ўзларини бундай иллатлардан тия олишмайди. Бу эса фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди, албатта.

Шуни айтиш керакки, болалик даврида ҳосил қилинган одатлар аста-секин бола қалбида мустаҳкамланиб, сингиб қолади. Шунинг учун ҳам кундалик турмушда бола одамларнинг бир-бирига ҳурмат-эътибор билан қарашини, ўзаро ёрдам бериб туришини, мулойимлиги, софдиллиги, меҳнатсеварлиги каби маданий ахлоқ намуналарини кўриб турадиган бўлиши керак. Фикримизча болаларга ахлоқ тарбияси беришнинг асосий усуллари куйидагилардан иборатдир:

1. Болаларнинг ҳатти ҳаракатлари ва юриш-туришига маълум мақсадни кўзлаб бошчилик қилиб бориш;

2. Катталарнинг юриш туришини ўрнак қилиб кўрсатиш;

Ахлоқий тарбия боланинг келгусида ота-оналарга атрофдаги кишиларга, жамоага, жамиятга, она-ватанга, меҳнатга, ўз бурчига муносабатини белгилайди ва аста-секин шаклланиб боради. Ахлоқий тарбиянинг асосий вазифаси жамиятга муносиб бўлиш, бурч ва маъсулият, виждон, ор-номус, садоқат каби инсоний фазилатларни ҳар бир боланинг эзгу ниятига айлантиришдан иборат.

Ахлоқий тарбия беришнинг воситаларини кўйидагича таҳлил қилиш мумкин:

1. Бола атрофидаги муҳит;

2. Оила ва таълим муассасаларида бутун ҳаётнинг қандай ташкил этилгани;

3. Атрофдаги катта ёшдаги кишиларнинг ўз юриш-туриши билан ибрат кўрсатиши, уларнинг маънавий қиёфаси;

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, болаларда ахлоқий фазилатларни шакллантиришда жамият ва ундаги муносабатлар асосий рол ўйнайди. Бу хусусида Э. Юсупов “Одам ота-онадан туғилади, аммо унинг ахлоқ –одоб борасидаги фазилатлари жамиятда, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий муносабатлар таъсирида шаклланади”¹- деб эътироф этади.

Шу ўринда болаларга ахлоқий тарбия беришдаги баъзи бир муҳим жихатларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

-ахлоқий тарбияни мунтазамлилик ва изчиллик асосида олиб бориш. Болаларга ахлоқий фазилатларни ҳаммасини бирданига сингдиришнинг иложи йўқ. Бу фазилатларнинг болаларда таркиб топиш жараёни кўп йилларга чўзилади ва шу боисдан ҳам бу ишда мунтазамлилик бўлиши керак. Тарбиялаш жараёни жуда мураккаб жараён бўлиб, у аста-секин узлуксиз равишда янги малака ва кўникмаларни ўстириш ҳамда мустаҳкамлаб бориш йўли билан амалга оширилади. Бу тарбия жараёнини изчиллигини белгилайди.

¹ А.Қ. Мунавваров, М.Маъмуров “Япроқ илдизидан қувват олади”. Т.: Ўзбекистон, 1990, 32 бет

¹ Э.Юсупов. “Маънавий камолот омиллари”. Т.: Университет, 1995, 3 бет

-болаларга ахлоқий тарбия беришда уларнинг ёш ва индивидуал хусусиятлари ҳисобга олиниши лозим. Маълумки, болани тарбиялаш иши унинг дунёга келган кунидан бошланади. Бола оилада, боғчада, мактабда, олий ўқув юртида, мустақил амалий фаолияти давомида ҳам тарбияланади. Шунинг учун ҳам болаларга сингдирилган тарбия мазмуни уларнинг ёшига, жисмоний тайёрилиги, тушунчасига, савияси ва имкониятига мос бўлиши керак.

-болаларни ахлоқий тарбиялашнинг яна бир муҳим жиҳати уларни тарбиялашда ижобий фазилатларга таяниб иш олиб бориш зарур. Тарбия жараёнида болаларда ижобий фазилатларга таяниш, уларнинг характери ва ҳуқидаги энг яхши сифатларни топишга интилиш лозим. Болалардаги салбий сифатларга қарши курашишда улардаги ижобий фазилатлардан фойдаланиш яхши самара беради.

-болаларни тарбиялашда маҳалла ва жамоани ўрни бекиёс. Болаларни ахлоқий тарбияси ҳақида маҳалла ва жамоатчиликнинг фикри катта аҳамиятга эга бўлиб, уларни шахс сифатида шаклланишига замин яратади. Халқимиз томонидан, “бир болага етти қўшни ота-она” деган мақол бекорга айтилмаган.

Болалар тарбиясидаги нуқсонларни ота-она сезмаслиги мумкин, лекин маҳалла аҳли бунини дарров пайқашади ҳамда ота-оналар билан биргаликда уларни тузатишга ҳаракат қилиши мақсадга мувофиқдир.

-болаларга ахлоқ тарбияси беришда фаоллик ва уларнинг амалий фаолиятига шарт-шароитлар яратиш зарур. Болаларга бериладиган тарбия усуллари уларнинг амалий фаолияти билан қўшиб олиб борилиши тарбиянинг самарали усуллари билан биридир. Чунки ахлоқ тарбияси куруқ панд-насиҳатдан иборат бўлиб қолмаслиги керак. Ахлоқий хис-туйғулар, одатлар ва тушунчалар аввало амалий фаолиятда шаклланиб боради.

-боланинг жисмоний ва руҳий жиҳатдан қандай ривожланиб бораётганлигини мутахассислар ёрдамида текшириб туриш ҳам катта аҳамиятга эгадир. Ривожланишни назорат қилиб бориш орқали боланинг ривожланиш даражасини аниқлаш ва шу асосда ахлоқий тарбия беришнинг усуллари кўллаш лозим. Бу ишда ҳам ота-оналардан катта маъсулият талаб қилинади.

-болаларни ахлоқий тарбиялашнинг яна бир муҳим жиҳати уларга қўйиладиган талаб ва тарбиявий таъсир кўрсатиш ўртасида бирлик бўлиши лозим. Тарбия жараёнида мактаб, оила, маҳалла томонидан болаларга қўйиладиган талаблар ва тарбиявий таъсир кўрсатиш биргаликда, ҳамжиҳатлик билан олиб борилса мақсадга мувофиқ бўлади. Шу боисдан мактаб томонидан болаларга қўйиладиган талаблар ота-оналар билан биргаликда белгилаб олиниши лозим. Қисқаси бу ишда мактаб, маҳалла, оила ҳамкорлиги йўлга қўйилиши керак бўлади.

-болаларни ахлоқий тарбиялашда ўрнатилган, намуна қилиш ҳам катта аҳамиятга эга. Болаларга ҳуқ-атвор элементлари, масалан, қандай саломлашиш, катталарни ҳурмат қилиш, кичикларга ёрдам бериш кабилар тўғрисида тушунчалар бериш билан қаноатланмасдан, бундай ҳуқ-атвор элементларини амалда ўрнатилган, намуна қилиб кўрсатиш лозим.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, ҳуқ-атвор элементларининг қўллаб кўрсатилиши ва тез-тез алиштириб турилиши, боланинг мураккаб

таассуротлардан зўриқиши ҳамда болага унинг қўлидан келмайдиган топшириқларни бериш ахлоқий тарбияда яхши самара бермайди. Зеро, ҳар ишда бўлганидек, бунда ҳам меъёр бузилмаслиги керак.

Маълумки, ўзбек халқи жуда бой маънавий-ахлоқий тарбия, қадриятларига эга. Ахлоқий урф-одатлар, расм-русумлар тарбия усуллари ота-оналар учун ҳам ибрат мактабидир. Ҳар бир ота-она мазкур тарбия усуллари жараёнида усталик билан қўллаши орқали яхши одатларни фарзандлар қалбига сингдириши лозим бўлади. Бу ерда ота-оналар, катта ёшдаги кишилар шахсий намунаси ва ижтимоий муҳит катта аҳамиятга эга бўлиб, бу болалар ахлоқий тарбиясининг ўзагини ташкил қилади.

Айтиш мумкин-ки, “болалар ахлоқ тарбиясини олдинроқ ўзи яшаётган атроф муҳит ва кўчадаги болалардан оладилар. Болалар сувга ўхшайдилар сув қайси рангдаги идишда бўлса, ўша рангда товлангани каби болалар ҳам қандай муҳитда бўлсалар ўша муҳитнинг ҳам шундай одат ва ахлоқини қабул қиладилар. Ахлоқий тарбиянинг энг буюк шarti шундан иборатки, болалар кўпроқ яхши ва ёмон ахлоқни ўз уйларида, кўчадаги ўртоқларидан, мактабдаги ўқувчидан қабул қиладилар”.¹

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ахлоқ тарбияси мураккаб жараён бўлиб, бу ишда маҳалла, оила, мактаб ва жамоа ташкилотларининг биргаликдаги фаолияти бир-бирини тўлдириб борсагина болаларга ахлоқ тарбияси беришда ижобий ютуқларга эришиш мумкин.

Маънавий баркамол ва жисмоний соғлом авлодни вояга етказиш миллий мафкурамизнинг асосий тамойилларидан биридир. Шу сабабли ҳам болаларга ахлоқий тарбия бериш ҳар биримизнинг кундалик ишимизга айланиши лозим.

¹ А.Фитрат “Раҳбари нажот” асаридан. “Ўзбек педагогикаси антологияси” 2-жилд. Т.: Ўқитувчи, 1999, 56 бет.